

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
Қ А Р О Р И



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

10 январь 2018 й.г.

№ 20

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
Тошкент вилоятида тадбиркорлик субъектларига ер участкалари  
ажратиш тартиботларини соддалаштиришга йўналтирилган  
ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

Тадбиркорлик субъектларига ер участкалари ажратиш тартиботларини соддалаштириш ҳамда уларни Тошкент вилоятида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга жалб этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари - "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ бошқаруви раиси А.Ж.Раматов ҳамда Тошкент вилояти ҳокими Ғ.И.Ибрагимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 10 январдаги  
20-сон қарорига  
илова

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент вилоятида юридик ва жисмоний шахсларга ер участкалари ажратиш тартибини янада такомиллаштириш ва улардан мақсадли фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2009 йил 20 январдаги 16-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2009 й., 4-сон, 24-модда) 3-бандининг биринчи хатбошидаги “Тошкент вилоятида ер участкалари ажратиш белгиланган тартибда” сўзлари “Тошкент вилоятининг Қибрай, Зангиота, Тошкент, Бўстонлик ва Паркент туманларида ер участкалари ажратиш тўғрисидаги қарор” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 февралдаги 45-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2009 й., 8-сон, 78-модда) билан тасдиқланган Тошкент вилоятида юридик ва жисмоний шахсларга шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ ер участкалари ажратиш амалиётини ўрганиш комиссияси томонидан Тошкент вилоятида ер участкалари ажратиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳақидаги Низом 1-бандининг биринчи хатбошидаги “Тошкент вилоятида ер участкалари ажратиш тўғрисидаги қарор” сўзлари “Тошкент вилоятининг Қибрай, Зангиота, Тошкент, Бўстонлик ва Паркент туманларида ер участкалари ажратиш тўғрисидаги қарор” сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда кишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2013 йил 25 февралдаги 54-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 2-сон, 13-модда):

а) Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун аҳоли пунктларида ер участкалари бериш, қурилиш объектларини лойиҳалаштириш ва рўйхатдан ўтказиш, шунингдек объектларни фойдаланишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 22-бандидаги “Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида” сўзлари “Тошкент шаҳрида, шунингдек Тошкент вилоятининг Қибрай, Зангиота, Тошкент, Бўстонлик ва Паркент туманларида” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) Қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар, шунингдек икки ва ундан ортиқ туманлар (шаҳарлар) ёки вилоятлар ҳудудида жойлаштириладиган объектлар қурилиши учун аҳоли пунктлари ташқарисидан ер участкалари бериш тартиби тўғрисидаги Низом 20-бандининг учинчи хатбошидаги “Тошкент вилоятида ер участкаси ажратиш бўйича материаллар” сўзлари “Тошкент вилоятининг Қибрай, Зангиота, Тошкент, Бўстонлик ва Паркент туманларида ер участкаси ажратиш бўйича материаллар” сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 августдаги 229-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 8-сон, 59-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона қурилиш регламентининг (I қисм) 8-бандидаги “худудида” сўзлари “Қибрай, Зангиота, Тошкент, Бўстонлик ва Паркент туманлари худудларида” сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги 285-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 10-сон, 89-модда) билан тасдиқланган Юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун доимий фойдаланишга танлов асосида ер участкалари бериш тартиби тўғрисида Низомда:

а) 23-банддаги “Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида” сўзлари “Тошкент шаҳрида ҳамда Тошкент вилоятининг Қибрай, Зангиота, Тошкент, Бўстонлик ва Паркент туманларида” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 48-банднинг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Тошкент шаҳрида, шунингдек Тошкент вилоятининг Қибрай, Зангиота, Тошкент, Бўстонлик ва Паркент туманларида ер участкалари ажратиш тўғрисида қарорлар тегишли равишда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳокимлари томонидан қабул қилинади”.